

ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ЎҒИРЛАШ ЖИНОЯТИДА ЗАРАРНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

¹Джуманов Шухрат Тошматович

Жиноят процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси,

²Жўрабеков Тоҳиржон Маъмуржон ўғли

Жиноят процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси лейтенант.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569325>

Замонавий жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари стандартлар ва умумий ҳаёт нормасидаги муаммоларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бошқа ҳуқуқ соҳаларига қараганда алоҳида аҳамият касб этади, негаки унда бутун инсониятнинг ҳаёти эркинлиги, кадр-қиммати, шаъни, обрўси, шахсий мустақиллиги каби асосий қадриятлар алоҳида мужассамлашади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан шахснинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бир хилда ҳимоя қилинади, ҳамда уларни фуқаровий, маъмурий ва жинсий-ҳуқуқий воситалар билан қўриқлашга кафолат беради.

Ушбу ҳуқуқий воситалар орқали шахсни, унинг шаъни ва кадр-қимматини қўриқлаш ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонуний чор кўриш вақтида, шахсга етказилган зарарнинг оғирлик даражасини ҳисобга олиш олиш ва ундан келиб чиқиб ушбу шахсга қонуний чораларнинг бирини қўллаш мумкин бўлади[1].

Ҳар бир содир этилган жиноят инсон манфаатларига муайян даражада зарар етказиши. Шунга асосан жиноят натижасида етказилган зарар жисмоний, маънавий ёки моддий (мулкӣ) зарар шаклида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра, шахсга етказилган зарар ундирилиши лозим. Чорва молларини ўғрилаш жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва энг кўп тарқалган зарар турларидан биридир. Бундай зарарни ундириш эса жиноят процессида фуқаровий даъво кўринишида амалга оширилади ва у Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 33-бобида бевосита кўзда тутилган.

Амалдаги Жиноят процессуал қонун ҳужжатлари суд ва давлат органлари зиммасига жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий ҳафли қилмиши натижасида шахсга етказилган зарар зарарни ундириш имкониятини таъминлаб беришни юклайди. Юқорида такидланганидек, фуқаровий даъвони қўзғатиш мулкӣ зарарни ундириш шаклларида бири бўлиб ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, судгача бўлган вақт мобайнида даъво аризасини бериш ва жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш бўйича суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Дастлабки тергов босқичида фуқаровий даъвони қўзғатиш ва таъминлаш механизмнинг аниқлаб олиниши унинг процессул тартибини такомиллаштириш омилларидан биридир.

Зарарни ўзини олиб олиб қарайдиган бўлсак, зарар деганда, моддий (мулкӣ), жисмоний ва маънавий зарарларни тушунамиз. Лекин айни чорва молларини ўғрилаш жиноят содир этилиши натижасида шахс фақат мулкӣ зиёнлар эмас балки, маънавий зарарни ҳам кўради.

Айрим олимлар жиноят туфайли етказилган зарар деганда, ўзаро муносабатдаги томонларнинг бирини қонунга хилоф ҳатти ҳаракати натижасида иккинчи томонга тегишли бўлган мулкӣ ва мулкӣ характерда бўлмаган нарсаларнинг шикастланиши, йўқотилишини тушунадилар.

Чорва молларини ўғридаш жиноят натижасида келтирилган моддий (мулкӣ) зиённинг миқдорини унинг тавсиф ва баҳосига қараб, терговчи ёки суриштирувчининг ўзи белгилайди ва бу суд муҳокамасида муҳим рол ўйнайди. Терговчи ва суриштирувчининг асосий вазифаси зарар миқдорини аниқлаш эмас, балки етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қопланиши учун барча чораларни кўришдир.

Тадқиқотлар натижасида шу маълумки, чорва молларини ўғрилаш жиноятида кўпчилик олимлар жиноят туфайли етказилган зарарни қуйидаги гуруҳларга бўлишади[1]:

1.Маънавий зарар

2.Моддий (мулкӣ) зарар

Маънавий зарар деганда - жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у кечирган маънавий ва жисмоний (оғриқ, касалга чалиниш, тан жароҳати олиш каби) азоблар тушунилади.

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматининг обрўсизланиши, ор-номусининг поймол этилиши, фаол ижтимоий ҳаётни давом эттириш имкониятининг йўқолиши, оилавий ёки шахсий сирининг ошкор этилиши, ўзи тўғрисида нотўғри маълумотларнинг тарқатилиши, турар-жой, турмуш тарзининг ўзгариши, оила қуриш имкониятининг йўқолиши, қайсидир ҳуқуқларини вақтинча чекланиши ёки ундан бутунлай маҳрум этилиши натижасида унинг руҳий эзилиши билан боғлиқ зарар. Маънавий зарарни жабрланувчининг шахсан ўзи белгилайди. Бу миқдор жабрланувчига суд томонидан ундирилиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленуми ҳар бир ишни кўришда иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва батафсил таҳлил қилиш, даъвогарни маънавий томондан учраган руҳий ҳолатларига эътибор билан қараш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 2000 йил 28 апрелда қарор қабул қилган. Унга кўра, суд шахсга етказилган маънавий зарар учун белгиланган пул миқдорини ундириш тўғрисидаги ажрим чиқариш вақтида, жабрланувчига етказилган маънавий, ахлоқий азобларниш даражасини, зарар кўрган шахс фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ҳуқуқбузарнинг айблилик даражасини ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳам инобатга олиши лозим

Чорва молларини ўғрилаш жиноят туфайли етказилган мулкӣ зиён деганда- жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида ундан олиб кетилган ёки шикастланган, бирор-бир миқдор билан ўлчашнинг имкони бор бўлган ашёлар, мол-мулклар, маблағлар ва бошқа моддий қийматликлар тушунилади[3].

Бизнинг фикримизча, мулкӣ зиён- бу жиноят натижасида моддий зарарнинг бир туридир. Чорва молларини ўғрилаш жиноятлар натижасида моддий қийматликларга эга бўлган нарсалар шикастланиши ёки йўқолиши билан биргаликда жабрланувчи маънавий зарар ҳам кўриши мумкин.

Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган мулкый зиённи ундириш турли шакллардаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда, давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят туфайли етказилган мулкый зиённинг асосий хусусиятларидан бири аниқ миқдорга эгалигидир. Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган мулкый зиён миқдорини бундай гуруҳларга ажратилиши орқали содир қилинган жиноятга яраша жазо белгилашга эришилади. Яъни жиноят туфайли етказилган зарар миқдорига қараб содир қилинган жиноят таснифланади[4]. Жиноят туфайли етказилган зарар ва жазо миқдори Ўзбекистон Республикаси

Жиноят

кодексининг

15-моддасига кўра жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам белгилаб беради. Бу ижтимоий хавфлилик даражаси эса, шахсга нисбатан танланадиган эҳтиёт чорасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдори ҳақида яна шуни айтиш лозимки, агар жиноят туфайли етказилган зарар энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг нормалари эмас, балки Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг нормалари қўлланилади[5].

Агар шахс мазкур ҳолатни (жиноятни) илк бор содир этган бўлса, етказилган зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса мазкур шахснинг даромади давлат фойдасига жарима сифатида олинади. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли нормаси қўлланади. Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида мулкнинг қийматини аниқлашда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати алоҳида ажралиб туради. Суриштирувчи ёки терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида далилларни аниқлаш билан биргаликда жиноят туфайли етказилган зарар ҳақиқатдан ҳам воқеликда бўлганлигини аниқлаши керак. Амалиётда айрим жабрланувчилар жиноят содир бўлганлиги туфайли кўрқувдан, ҳаяжондан йўқолмаган нарсаларини ҳам йўқолган деб, ёки йўқолган нарсаларнинг айримларини кўрсатмай ўтиши мумкин бўлган ҳоллар қўплаб учраб туради. Шу нуктаи назардан жиноят туфайли етказилган зарар миқдорини, аниқлаш аввалам бор, жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракатидан бошланади.

Чорва молларини ўғрилаш жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ юқоридаги шакллар жабрланувчининг жиноятдан олдинги ҳолатини тиклашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга мазкур масалани амалга оширилиши жабрланувчининг иродасига нисбатан ва уларнинг ихтиёрига тўла равишда берилмасдан жиноят процессида бунинг учун махсус ваколатларга эга шахсларнинг мажбуриятлари бажариш тартибида амалга оширилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят туфайли етказилган зарарни қоплашда тегишли чора тадбирларни амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунга келиб, жиноят қонунчилиги иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Гап иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жарима тариқасидаги чораларни кўпроқ қўллаш ҳақида бормоқда 2002 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Респбллкаси Олий Мажлисининг

олтинчи сессиясида ярашув институти вужудга келди. Сессияда жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш сари катта қадам ташланди.

References:

1. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икромов. - Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.-35-38-бетлар.
2. Абдужалилов Ғ.А., Алимова Р.А, Аропов Т.Э ва бошқалар. Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик-Т.: “Адолат”, 2003-Б.1-256
3. О‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining “Jinoiy harakatlar oqibatida yetkazilgan moddiy zararni qoplash masalasiga doir sud amaliyoti to‘g‘risida”gi 1998-yil 11-sentyabrdagi qarori // O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumi qarorlari to‘plami 1991-2006. T.2. –Т.: 2007. – В.170.
4. Fayziyev Sh.F. Surishtiruv organlarining jinoyat-protsessual faoliyatini takomillashtirish muammolari. Monografiya. –Т.: TDYI nashriyoti, 2009. – 200 б.
5. Жиноят кодексига шарҳ. Рустамбоев. Умумий қисм.Т- 2016.